760595

Илм – ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 9 май, сешанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
19 (6665)

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишлаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан, халқ вакиллари — депутатларимизнинг ҳам чеҳраси очиқ бўлса, бу ҳол олдимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

Биринчи масала. Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иккинчи масала. Ушбу сессиянинг тарихий сана — фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдирмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг якунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб, уларни яна бир бор аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Авваломбор:

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?

Референдумнинг якун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу якунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

Биринчидан: Референдум, ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдавлат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг, керак бўлса, бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият ўзини тармоқларининг фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низо-адоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш — буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охир-оқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом муҳитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

Узоққа бормасдан ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, уққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборганларида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг якунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту биродарларимиз, рақибу мухолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим. Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар. Аммо бу ўринда барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатларини билдирдилар.

Ҳурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, Умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган бағрикенглик, олижаноблик каби юксак фазилатларни, халқимизнинг эътиқоди баландлигини, онги кенглигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улуғ фазилатларда, унинг олижаноблигида деб биламан.

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам етакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишласа, у ҳам худди шундай ишонч ва ҳурматга сазовор бўлур эди.

Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чуқур мамнуният билан айтмоқчиман: агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен — ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни — парламентга, Президентга, барча ҳокимият органларига халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.

Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашда бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган айрим сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга уринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усуллар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интилмоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, Референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпараст, амалпараст айрим кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суяниб, олиб бораётган сиёсатимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини енгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга интилмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар — уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу — бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кўтарадиган, улуғ мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваломбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни, худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтинглар, қадрли дўстлар, юртдошлар, диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч — шун-

(Давоми 2-бетда)

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД

Фашизм устидан буюк ғалаба қозонилганига роппа-роса 50 йил тўлди. Бу ғалаба бутун инсоният тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Бошқа халқлар қатори ўзбекистонликлар ҳам ғалаба учун мардона курашган эди. Улар уз жонини аямасдан, Иккинчи жаҳон урушининг барча жабҳасида душман билан қаҳрамонона жанг қилди. Жангчилар қони ва жони эвазига келган мукофотлар бунинг яққол далилидир. Ўзбекистоннинг 170 мингдан ортиқ вакили орден ва медаллар билан мукофотланган. Шулардан 338 кишига қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса шуҳрат орденининг тўла кавалери бўлган. Биз улар кўрсатган жасорат олдида бош эгамиз, фронт ортида фидокорона меҳнати билан ғалабани якунлаштиришга муносиб ҳисса қўшган кишиларга юксак эҳтиромимизни билдирамиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг жанг майдонларида ҳалок бўлган оталаримиз ва оғаларимиз хотираси олдида бош эгиб, уларнинг қаҳрамонлигини фахр билан ёдлаб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги тўғрисидаги гапи айни ҳақиқатдир.

8 Май куни республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлди.

Майдон байрамона безатилган, баҳор шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди, ёрқин тантанали шиорлар диққатни жалб этади.

Меҳмонлар учун ажратилган жойдан ҳукумат аъзолари, Республика Олий Мажлиси депутатлари, вилоятларнинг ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Тошкентдаги меҳнат жамоалари аъзолари ўрин олди.

Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳам шу ерда.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Бош қўмондони Ислом Каримов, Республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, 1941—1945 йилларидаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва республика Бош вазирининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тулаганов ва бошқа расмий кишилар ҳукумат минбарига чиқиб келишади.

Майдонда буйруқ садолари эшитилади. Бу ҳарбий параднинг бошланишидан дарак эди. Ҳарбий парадни Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов қабул қилади. Мудофаа вазирининг ўринбосари, Тошкент гарнизони бошлиғи, парад қўмондони генерал-майор Қаҳрамон Абдуллаев вазирга қўшинларнинг тантанали маршга тайёр экани тўғрисида рапорт беради.

Мудофаа вазири сафга тизилган бўлинмаларни айланиб чиқади, ҳарбийлар билан саломлашади, сўнгра қўшинларнинг ҳарбий парадга тайёрлиги ҳақида Ўзбекистон Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Бош қўмондони Ислом Каримовга рапорт беради. Мудофаа вазири ҳукумат минбарига кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Парадни ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлашга аҳд қилган ёш думбирачиларнинг қўшма ротаси бошлаб беради. Думбира зарблари парад оҳанги, қўшинлар ва ҳарбий техника сафларининг майдондан ўтиш йўсинини аниқлагандай бўлади.

Думбирачилардан сўнг майдондан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар байроғи остида Мудофаа вазирлиги зобитлари, Тошкент гарнизонининг қисмлари ва ҳарбий ўқув юртларининг қўшма батальони чиройли саф тортиб ўтади.

Улар сафида зобитлар корпусининг энг яхши намояндалари, республика мукофотларига сазовор бўлганлар, байналмилалчи жангчилар — хуллас аскарларга моҳирлик билан сабоқ бераётган, Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган ҳарбийлар бор эди.

Бу — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин республикамиз пойтахтида ўтказилган биринчи ҳарбий параддир. Армиямиз давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолати ҳисобланади. Унинг сафида чуқур ҳарбий билимга, зарур маънавий-руҳий тайёргарликка, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган зобитлар хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ёшларнинг кўпчилиги ҳарбий мутахассисликни эгаллашга, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишга интилмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганидан кейин зобитлар корпусидаги миллий кадрлар сони ўн марта ошди.

... Зобитлар батальонидан кейин майдонга мустақил Ўзбекистоннинг дастлаб ташкил этилган ҳарбий кучлари — миллий гвардия бўлинмалари кириб келади.

Шундан сўнг республика ҳарбий билим юртлари етакчиси — Тошкент олий умумқўшин зобитларини тайёрлаш билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади. Мазкур билим юрти Ўзбекистондаги энг кўҳна ҳарбий ўқув даргоҳидир. Бу йил у ўзининг 77 йиллигини нишонлайди. Билим юрти ташкил этилганидан бери бу ерда турли ихтисосдаги 25 минг зобит тайёрланган. Уруш йилларида бу билим юртида таҳсил кўрган 48 кишига юксак қаҳрамонлик унвони берилган.

Навбат Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларига келади. Бу ўқув даргоҳи бугунги кунда энг замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа зобитлари, танкчилар, десантчиларни тайёрламоқда.

Танкчилардан кейин майдондан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, республика Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади.

Шундан кейин, тантанали сафни чегарачи денгизчилар, ҳарбий десант қўшинлари ҳамда Республика Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари вакиллари давом эттиради. Аскарларнинг очиқ ва жасур чеҳрасига назар ташлаган кишида ватанимиз хавфсизлиги ва фуқароларимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканига ишонч ҳосил бўлади.

Майдонда моторларнинг сокин, салобатли овози эшитилади — энди армиямиз ихтиёрида бўлган жанговар техниканинг асосий намуналаридан иборат механизациялашган колонна ўта бошлайди. Бронетранспортёрлар, пиёдалар ва десантчиларнинг жанговар машиналари, танклар, ўзи юрар тўплар, бошқариладиган зенит ракеталари, уруш пайтидаги афсонавий «Катюша»нинг давомчиси — бирданига ўт очувчи «Дул» ва «Бурон» реактив тизимлари барчанинг диққатини тортади. Парадда бу қудратли қўролларни энг юксак даражадаги мутахассислар бошқариб боришди.

Мустақил Ўзбекистон тарихидаги биринчи ҳарбий парад ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари эркимиз ва мустақиллигимиз ҳимоясида турган республика Қуролли Кучларининг куч ва қудратини намойиш этди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бу тантана Ўзбекистон жангчилари авлодлари ўртасида мавжуд бўлган узвийликни яққол намойиш этди. Ҳозирги зобит ва аскарлар бундан ярим аср муқаддам инсониятга тинчлик ҳадя этган ота-боболарига муносибдир. Бугунги кунда улар кўпмиллатли мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик вазиятининг барқарорлигига, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
А. ИВАНОВА репортажи.
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Муталов Абдулҳошим — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Пайгин Юрий Федорович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Саидқосимов Саидмухтор Саидғозиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Султонов Ўткир Тўхтамуродович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Чжен Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси

Юнусов Рустам Расулович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Ҳамидов Бахтиёр Султонович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири

Ҳаққулов Қайим Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқарувининг раиси

Ғуломова Дилбар Муҳаммадҳоновна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

Алматов Зокиржон — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

Аҳмедов Рустам Ўрмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

Мардиев Алишер Мардиевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Комилов Абдулазиз Хафизович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

Отаев Валерий Йўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири

Ҳусанов Расулмат — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири

Гиниятуллин Рим Абдулович — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири

Раҳимов Комилжон — Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири

Йўлдошев Жура Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Салимов Оқил Умурзоқович — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Каримов Шавкат Иброҳимович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Умурзоқов Баҳодир Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

Обидов Оқилжон — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири

Михайлов Виктор Константинович — Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Гатаулин Шамил Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Набиев Тўлаган — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Шоёқубов Тўлқин — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Рўзиев Собиржон Собитович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Хабибуллаев Пулат Қирғизбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси раиси

Шоғуломов Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси

Ахмадбоев Акрам Ғуломович — Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат қўмитаси раиси

Хоназаров Абдушукур Абдуҳалилович — Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатларини давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисида қўйган масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган муддатни унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги таклиф Референдумга киритилган масаладан чиқиб кетади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритишни тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ ҳамда 90-моддасига амал қилиб, сайловчиларнинг ушбу масала хусусидаги фикрлари ўрганиб чиқилсин ҳамда таклифлар Олий Мажлис Кенгашига киритилсин. Шу мақсадда иловага мувофиқ таркибдаги комиссия тасдиқлансин.

3. Комиссия ўрганиб чиқилган материалларни белгиланган тартибда умумлаштирсин ва Олий Мажлисга маълум қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

(Боши 1-бетда).

дай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?

Ҳурматли дўстлар!

Дунёнинг кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиш ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларимиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обрў, халқимиз ҳурматига ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, муҳтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни: бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз қўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сўрайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак — буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак — бундай қарор Узбекистонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Узбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз халқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта ҳисса қўшган отахон ва онахонларимизни шу улуғ айём билан чин дилдан қутлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тилайман!

Бугун биз Узбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёркин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо биродарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. Қолаверса, 1941 йилда Узбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

Азиз биродарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун, ўрнингиздан туриб бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш оналаримиз, опасингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Узбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан «доҳий»ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг ҳаққонийликка, ҳақиқатга ишончини ҳеч қачон сўндира олган эмас.

Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари — Узбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, аввалambор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Узбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлик, минтақавий хавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Узбекистоннинг ўзаро алоқаларини ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — Тожик, Туркман, Қирғиз, Қозоқ ва Узбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган булишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин — гапнинг очиғи, — кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён булиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Узбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланса — айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шак-шубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айни муддао бўлур эди.

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини беқарор таъсирларга берилмасдан изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг беshинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда. Аммо ҳар қандай умидбахш тахмин ва орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосиллардан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар биримизнинг ҳам ижтимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурро, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

Тирик хотира

МУЗЕЙДА ДАРС ЎТИБ БЎЛАДИМИ?

Тўғриси, Тошкентда Мудофаа вазирлигининг музейи борлигини эшитгандиму, «тўрт-беш уруш саҳнасининг суратидан иборат бўлса керак-да» деган ўй билан унчалик эътибор бермагандим. Урушда қатнашган педагоглар тўғрисида маълумот тўплаш жараёнида музейга мурожаат қилишга тўғри келди. Унда тарихнинг муайян даври воқеаларидан лавҳалар, ноёб ашёвий далиллар борлигини кўриб ҳайратим ошди. Кутилганидек, педагог жангчиларга бағишланган ҳужжатли лавҳалар ҳам мавжуд экан.

Масалан, Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси, техника фанлари доктори, профессор Ҳамид Саримсоқовга бағишланган саҳифа, унда қаҳрамоннинг «улими» ҳақида келган қорахат ҳам сақланяпти. Хатдаги сана 21.08.44 йил бўлиб, ўлган жойи «денгизда» деб кўрсатилган. Тақдирни қарангки, бу қорахат Ҳ. Саримсоқовнинг хонадонига қайғу олиб кирган пайтда у ҳаёт эди... Албатта, бунинг тарихи узун. Дарвоқе, О.Сидельниковнинг «Ҳамид Саримсоқов жанг-номаси» китоби шу инсон ҳаётига бағишланган. Шунга ўхшаш жуда кўп қизиқарли маълумотларни музейга ташриф буюриб, билиб олишингиз мумкин.

Биз эса уруш даҳшатларини кўрсатиб берадиган воқеа-ҳодисалар ўрнига музейни томоша қилиб чиққач, пайдо бўлган айрим далил ва фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Уруш даврида Узбекистонда 280 та янги саноат корхонаси қурилган. Улар фронтга 2090 та самолёт, 7342 та самолёт мотори, 2 млн. 318 минг авиабомба, 16 мингдан ортиқ минамёт, 137 млн. мина, снаряд ва бошқа ўқдорилар, 4 млн. тонна пахта, 1 млн. тоннадан зиёдроқ дон, 500 га яқин озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал ортилган вагон жўнатилган. Бу рақамлар ўзбек халқининг ғалаба учун ҳиссаси нақадар улканлигини кўрсатмайдими?

Музей экспонатларга жуда бой. Унда оддий милтиқ ўқидан авиабомбаларгача, турли милтиқ, автоматдан бошлаб, пулемёт ва минамётларгача мавжуд. Музей ҳовлисида оғир артиллерия, танклар, БТР ва қирувчи самолётларгача бор. Уруш даврида қолган турли хил ҳужжатлар, суратлар, фильмлар сақланяпти. Мактабда ўқитувчиларга одатда кўргазмали қуроллардан фойдаланишни тавсия этамиз. Бироқ, бугун музейларга эътиборимиз сусайиб кетмадимикан? Масалан, 1941-45 йил уруши ҳақидаги дарсни тарих ўқитувчиси шу музейнинг 2-қаватида ўтса, эҳ-ҳе, ўқувчилар қанча таассуротлар оладилар. Ҳақиқий қуроллар болаларга қизиқиш бахш этса, ёзилган фактлар, чизилган хариталар билимларини ошириши табиий бир ҳол. Музей хизматчиларидан сўраганимизда, афсуски, ўқувчиларнинг ташрифи озлигини таъкидлашди.

Музейнинг биринчи қаватидаги тушунтириш ёзувлари бугунги талабга — мустақиллик ғояларига жавоб бермаслигини айтишимиз жоиздир. Гап шундаки, бунда ҳикоя қилинадиган гражданлар уруши ва «босмачилик»ни тугатиш борасидаги фикрлар совет замонидагидек. Ахир «босмачилик» бугун миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин қилиняпти-ку. Ундаги суратларда ҳамон Фрунзенинг қўли баланд кўтарилиб турибди. Хулосамиз шуки, музейга олимлар таклиф қилиниб, Узбекистон тарихининг бу қисми қайта тикланиши лозимдир. Зеро, у ерда бўлган меҳмонлар ёки ўқувчилар ўтмишимиз ҳақида нотўғри тушунча олиб кетишлари мумкин.

Яна бир таклиф. Экспонатлар остидаги сўзлар ҳамон рус тилида ёзилиб турибди. Ўзбек тилида ҳам ёзилиши лозим ва шарт.

Ўйлаймизки, бу таклифларимиз бегараз қабул қилинади.

Умуман олганда эса, музейга ташриф буюрган кишининг у ердан тезда чиқиб кетиши мушкул. Тарихнинг энг ноёб ҳужжатлари, қуроллари одамни ўша давр воқеаларини англашга чорлаб туради.

Ҳ.ОМОНХОН ўғли.

ДОИМИЙ ЎҚУВ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» рисоласида республикамиз мустақил тараққиётида барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, мамлакатимиз келажагининг йўналишлари белгилаб берилди. Шу билан бирга олий ва ўрта таълим тизими олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилди.

Уларни таълим тизимига татбиқ этиш, талаба-ўқувчиларни, зиёлиларни бу вазифаларни бажаришга жалб этиш мақсадида, халқ хўжалигининг замонавий соҳаларида ишлай оладиган, бозор муносабатлари қонуниятларига мос, янгича фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ишларига ёрдам бериш мақсадида вазирлик қошида «Истиқлол ва таълим» мавзуидаги маърифат ўқувлари ташкил этилди ҳамда бир йилга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Яқинда, мазкур ўқувнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, факультет деканлари, кафедра ва марказларнинг мудирлари қаторида давлат ва партия раҳбарлари, йирик жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари, хорижий мамлакатларнинг Узбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Машғулотда Узбекистонда бўлаётган туб ислоҳотлар ва бозор муносабати давридаги муҳим воқеалар хусусида Миср, Яман, Фаластин ваколатхоналари вакилларининг фикр-мулоҳазалари, айниқса, йиғилиш аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

Маърифат ўқуви машғулотида Узбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов маъруза қилди.

Мухбиримиз.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида Гулистон давлат университети ташаббуси билан «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Унда сирдарёлик уруш фахрийлари, профессор-олимлар сўзга чиқишиб, ёш авлод таълим-тарбиясида Ватан тушунчаси, байналмилал тарбия, жаҳон уруши ва у келтирган оқибатлар хусусида маъруза қилдилар.

Иштирокчилар университет ҳаёти ва бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Мунаввар кунлар

МУБОРАК АЙЁМ

Шу кунлари қўша-қўша байрамларни нишонлаяпмиз. Улардан бири мустақиллик туфайли рўёбга чиққан азалий айём Қурбон ҳайит—Ийд ал адҳа байрамидир. Шу муносабат билан мухбиримиз Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммадали Маҳмудов билан суҳбатлашди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Узбекистонимизнинг мустақиллиги мустаҳкамланиб, халқаро обрўга эга бўлиб бораяпти. Бу йилги айёмимиз Ғалабанинг 50 йиллигига, шунингдек, ислом оламидаги ҳаж кунларига тўғри келди. Бугун ер юзидан миллион-миллион халқ элатидан, миллатидан, тилидан қатъи назар, Маккаи Мукаррамада Оллоҳнинг уйи — Байтуллоҳни, Мадинаи Мунавварада Пайғамбаримизнинг муборак равзаларини зиёрат қилишга тўпланадилар. Бу йил бизнинг мустақил Узбекистонимиздан уч минг киши шу ҳаж зиёратларида иштирок этишади. Ҳозирги паллада ҳаж арконларини адо этиш бахтига муяссардирлар. Улар шу муқаддас Байтуллоҳда Оллоҳга илтижо қилиб, мустақил Узбекистонимизни янада тинч, обод, фаровон бўлиши, бутун дунё халқлари билан мустаҳкам дўстона муомалада бўлишларини яратгандан сўрайдилар.

Яна бир қувончли хабаримиз шундан иборатки, 300 га яқин уруш фахрийларимиз ўзларининг 50 йиллик байрамларини муқаддас манзилда ўтказишяпти. Айниқса, улар республика Президентига миннатдорчилик дуоларини йўллаяптилар. Чунки бу йил ҳажга борадиган кишига имтиёзли равишда 1101 доллар миқдорида пул ажратилди.

Қурбон ҳайит байрами кунларида мусулмонлар ўзаро борди-келди қиладилар, бир-бирларидан хабар оладилар. Аввало бева-бечоралар, ота-она, касалхоналардаги дўст-ёрлардан хабар олинади. Шундай кунларда улардан хабар олишлар, муқаддас китобларда айтилишича, ҳаж савоби билан тенг.

Фурсатдан фойдаланиб барча мусулмонларимизни, хусусан, маорифдаги ҳамкасбларни муборак айём — Қурбон ҳайити билан табриклаймиз. Оллоҳ озод диёримизга бундан буён ҳам барқарор тинчлик, ризқу барака, фарзандларимизга фазлу камол, илму урфон, шифоат ва фидойилик ато этсин!

МАТЕМАТИКА

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест саволлари

I

1. 2м 5дм 2мм неча мм бўлади?

A) 2052 мм B) 2520 мм C) 2502 мм D) 20052 мм E) 20502 мм

2. $4(-5)-6\cdot(-3)+(-5)\cdot(-2)$ ни ҳисобланг.

A) -12 B) 8 C) 48 D) 12 E) -8

3. 12 ва 18 сонларнинг энг кичик умумий карралисини топинг.

A) 72 B) 36 C) 12 D) 108 E) 6

4. 12 нинг 12% ини топинг.

A) 1,4 B) 1,44 C) 0,014 D) 0,14 E) 144

5. Қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири нотўғри?

A) Охирги рақами 2 га бўлинган сон 2 га бўлинади.
B) Рақамлари йиғиндиси 3 га бўлинган сон 3 га бўлинади.
C) Охирги рақами 4 га бўлинган сон 4 га бўлинади.
D) Охирги рақами 0 ёки 5 бўлган сон 5 га бўлинади.
E) Рақамлари йиғиндиси 9 га бўлинган сон 9 га бўлинади.

6. Қуйидаги 1; 2, 5, 9, 15, 17, 19, 21 сонларнинг орасида нечта туб сон бор?

A) 2 та B) 3 та C) 4 та D) 5 та E) 6 та

7. Қуйидаги сонларнинг қайси бирлари иррационалдир?

1. $\frac{\sqrt{9+4\sqrt{2}}}{\sqrt{8}+1}$; 2. $\sqrt{\frac{\sqrt{2+\sqrt{9+4\sqrt{2}}}}{\sqrt{2}+1}}$; 3. $\sqrt[3]{16}$.

A) Фақат 2, 3 B) ҳаммаси C) Фақат 1, 2 D) Фақат 3 E) Фақат 1, 3

8. Пропорциянинг номаълум ҳадини топинг.

$7\frac{1}{5}:2,4=x:0,3.$

A) $\frac{7}{10}$ B) $\frac{10}{7}$ C) $-\frac{7}{10}$ D) $\frac{10}{9}$ E) $\frac{9}{10}$

9. 16; 45; 60 сонларнинг энг кичик умумий карралисини топинг.

A) 60 B) 90 C) 720 D) 1440 E) 16

10. 3 ни 14 га бўлганда вергулдан кейинги еттинчи рақамини топинг.

A) 5 B) 8 C) 1 D) 7 E) 4

11. $6\frac{1}{2}-8\frac{3}{4}$ айирманинг қийматини ҳисобланг.

A) $2\frac{1}{2}$ B) $-2\frac{1}{4}$ C) $2\frac{1}{4}$ D) $-2\frac{1}{2}$ E) $-2\frac{1}{3}$

12. Кўпайтувчиларга ажратинг: $p^2-(2p+1)^2$.

A) $(p+1)(p+3)$ B) $-(p+1)(p+3)$ C) $-(p+1)(3p+1)$ D) $-(p+1)(2p+1)$ E) $(p+1)(3p+2)$

13. Тенгсизликни ечинг: $2(x+8)-5x<4-3x$.

A) Тенгсизлик ечимга эга эмас.
B) $(-\infty;\ \infty)$
C) $(-\infty;\ -12)$
D) $(-12;\ \infty)$
E) $(-12;\ 12)$

II

14. Қуйидаги тенгликлардан қайси бири айният эмас?

A) $(a+b)^2=a^2+2ab+b^2$
B) $a^2-b^2=(a-b)(a+b)$
C) $(a+b)^3=a^3+3a^2b+3ab^2+b^3$
D) $a^3-b^3=(a-b)(a^2-ab+b^2)$
E) $(a-b)^3=a^3-3a^2b+3ab^2-b^3$

15. $(-1)^{11}(-x-2)+1994(x+\frac{1}{2})=-1$ тенгламани ечинг.

A) $\frac{20}{399}$ B) $\frac{200}{399}$ C) $-\frac{200}{399}$ D) $-\frac{20}{399}$ E) ечимга эга эмас

16. Амални бажаринг: $\left(-\frac{b^3c^4}{6a^3}\right)^2$.

A) $\frac{b^6c^8}{36a^6}$ B) $-\frac{b^6c^8}{36a^6}$ C) $\frac{b^5c^6}{36a^5}$ D) $-\frac{b^5c^6}{36a^5}$ E) $\frac{b^9c^{16}}{36a^9}$

17. $\frac{a}{12a^2-12b^2}$; $\frac{b}{18a^3+18a^2b}$; $\frac{a+b}{24a^2-24ab}$ касрларни умумий махражини топинг.

A) $72a^2(a-b)(a+b)^2$
B) $18a^2(a-b)(a+b)$
C) $72a^2(a-b)$
D) $72a^2(a-b)^2(a+b)$
E) $72a^2(a-b)(a+b)$

18. x нинг қайси қийматларида $1,5x+2>1+1,1x$ тенгсизлик ўринли?

A) $(-\infty;-\frac{5}{2})$ B) $(-\infty;\ -\frac{5}{2}]$ C) $(-\infty;\ \frac{5}{2})$ D) $(-\frac{5}{2};\ \frac{5}{2})$ E) $(-\frac{5}{2};\ \infty)$

19. Расмда тасвирланган учбурчакнинг бурчаклари нимага тенг?



A) 70°, 80°, 30° B) 70°, 60°, 50° C) 70°, 70°, 40° D) 70°, 20°, 90° E) 70°, 10°, 100°

20. $7-3x=3(4-x)$ тенгламанинг ечимини аниқланг.

A) тенглама чексиз кўп ечимга эга
B) 0
C) тенглама ечимга эга эмас
D) 4
E) $2\frac{1}{3}$

21. $f(x)=x^2+2x+1$ бўлса, $f(x-1)$ ни топинг.

A) x^2-2x B) x^2+2x C) x^2+4x D) x^2-4x E) x^2

22. x_1 ва x_2 $x^2+3x-1=0$ тенгламанинг илдизлари бўлса, $x_1^{-2}+x_2^{-2}$ нечага тенг?

A) -4 B) 11 C) 9 D) 8 E) 6

23. $a=\sqrt{3}$, $b=\sqrt[3]{5}$, $c=\sqrt[4]{7}$ сонларни ўсиш тартибида жойлаштиринг.

A) $a<b<c$ B) $b<a<c$ C) $c<b<a$ D) $c<a<b$ E) $b<c<a$

24. $y=x^2-5x+6$ функциянинг графиги қайси чораклардан ўтади?

A) I, II B) III, IV C) I D) I, II, III, IV E) I, II, IV

III

25. $15-3x\geq 0$ тенгсизликни ечинг.

A) $(-\infty;\ 5)$ B) $(-\infty;\ -5)$ C) $(5;\ \infty)$ D) $[5;\ \infty)$ E) $(-\infty;\ 5]$

26. ABC тўғри бурчакли учбурчакда ($\angle A=90°$) BC=4 см, $\angle B=60°$. Учбурчакнинг катетларини топинг.

A) 2 см; $\sqrt{3}$ см
B) 1 см; $2\sqrt{3}$ см
C) 3 см; $\sqrt{3}$ см
D) 2 см; $\frac{\sqrt{3}}{2}$ см
E) 2 см; $2\sqrt{3}$ см

27. Учлари (3; 3) ва (1; -1) нуқталарда ётувчи кесманинг ўртасидаги нуқтанинг координаталарини топинг.

A) (-2; 1) B) (2; -1) C) (0; 2) D) (2; 1) E) (1; 2)

28. Қуйидаги формулалардан қайси бири нотўғри ёзилган?

A) $\sin(3\cdot\frac{\pi}{2}+\alpha)=-\cos\alpha$
B) $\cos(\pi-\alpha)=-\cos\alpha$
C) $\sin(7\cdot\frac{\pi}{2}-\alpha)=\cos\alpha$
D) $tg(\pi+\alpha)=tg\alpha$
E) $tg(\pi-\alpha)=-tg\alpha$

29. y=x тўғри чизиққа нисбатан A(3; 1) нуқтага симметрик бўлган нуқта топилсин.

A) (-3; 1) B) (3; -1) C) (-3; -1) D) (-1; -3) E) (1; 3)

30. Арифметик прогрессияга оид ушбу формулаларнинг қайси бири нотўғри?

1. $a_{n+1}=\frac{a_n+a_{n+2}}{2}$, $n\in N$
2. $a_n=a_1+d(n-1)$, $n\in N$
3. $S_n=\frac{(a_1+2a_n)}{2}\cdot n$, $n\in N$
4. $S_n=\frac{2a_1+(n-1)d}{2}\cdot n$, $n\in N$
5. $a_1+a_n=a_2+a_{n-1}$, $n\geq 2$, $n\in N$

A) 1 ва 4 B) 3 ва 5 C) 3 D) 4 E) 1 ва 5

31. Тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузаси d га, ўткир бурчакларидан бири 30° га тенг бўлса, унинг юзасини топинг.

A) $\sqrt{3}d^2$ B) $\frac{8}{\sqrt{3}}d^2$ C) $\frac{\sqrt{3}}{4}d^2$ D) $\frac{\sqrt{3}}{2}d^2$ E) $\frac{\sqrt{3}}{8}d^2$

32. Учбурчакнинг периметри 24см га тенг, томонларининг ўрталари кесмалар билан туташтирилган. Ҳосил қилинган учбурчак периметрини топинг.

A) 12 см B) 16 см C) 20 см D) 18 см E) 14 см

33. P(2; 4), Q(-3; 2), R(6; 3) ва S(10; 9) нуқталарнинг қайси бирлари $y=\frac{12}{x}$ функция графигида ётади?

A) P, Q, S
B) Q, S
C) Кўрсатилган нуқталарнинг ҳеч бири бу графикда ётмайди
D) P, R, S
E) P, Q, R, S

IV

34. $x^2+px+12=0$ тенгламада $x_2=2$ бўлса, x_1 ва p ни ҳисобланг.

A) -6 ва -4 B) -6 ва 4 C) 6 ва -8 D) 10 ва 20 E) 6 ва -3

35. 3; 4,5; 6; ... сонлар кетма кетлиги арифметик прогрессияни ташкил этади. Шу прогрессиянинг 20-ҳадини топинг.

A) 30 B) 31,5 C) 23 D) 33 E) 28,5

36. Ҳисобланг: $\cos\frac{9\pi}{4}$.

A) $\frac{1}{2}$ B) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ C) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ D) 0 E) 1

37. $(3x+7)^{1/3}=(4x-4)^{1/3}$ тенгламани ечинг.

A) $-\frac{11}{7}$ B) $-\frac{7}{11}$ C) $\frac{11}{7}$ D) 11 E) -11

38. Сонларни ўсиш тартибида жойлаштиринг: $a=-2,1$; $b=-1-\sqrt{3}$; $c=-\sqrt{7}$

A) $c<a<b$ B) $a<c<b$ C) $c<b<a$ D) $b<c<a$ E) $b<a<c$

39. $\cos\alpha=a$, $\sin\alpha=b$ бўлсин. $\sin2\alpha$ ни a ва b орқали ифодаланг.

A) a^2-b^2 B) $2ab$ C) ab D) $a-b$ E) $b-a$

40. Қуйидаги тенгликларнинг қайси бирлари айният?

1. $\sin^2 3x+\cos^2 3x=1$
2. $\sin x=1$
3. $1+tg^2x=\frac{1}{\cos^2x}$, $x\neq\frac{\pi}{2}+n\pi$, $n\in Z$
4. $\sin x+\cos x=\frac{1}{2}$

A) 2 ва 3 B) 4 ва 1 C) 1 ва 3 D) Бу тенгликлар ичида айният йўқ. E) 1 ва 4

41. x нинг қандай қийматларида $(x-1,2)(x+3)<0$ тенгсизлик ўринли?

A) $(-\infty;\ -3)\cup(1,2;\ \infty)$
B) $(-\infty;\ -3)$
C) $(-3;\ 1,2)$
D) $(1,2;\ \infty)$
E) Ҳеч қайси қийматида бу тенгсизлик бажарилмайди.

42. Моторли қайиқ дарё оқими бўйича 18 км, оқимга қарши эса 20 км юрди ва бутун йўлга 2 соат вақт сарфлади. Агар моторли қайиқнинг турғун сувдаги тезлиги 20 км/соат бўлса, дарё оқимининг тезлигини топинг.

A) 3 км/соат B) 3,5 км/соат C) 4 км/соат D) 4,5 км/соат E) 5 км/соат

43. Агар $\sin^3\alpha\cdot\cos^3\alpha>0$ бўлса, α қайси чоракда ётади?

A) I ёки III B) I ёки IV C) III ёки IV D) I ёки II E) II ёки III

44. * ўрнига мос муносабат белгисини қўйинг: $(1995!)^2*1995^{1995}$. Бунда $1995!=1\cdot2\cdot3\cdot\ldots\cdot1995$.

A) < B) = C) > D) ≥ E) ≤

V

45. $y=a^x$ $(a>0,\ a\neq1)$ кўрсаткичли функциянинг қуйидаги хоссаларидан қайси бири нотўғри келтирилган?

A) Функциянинг аниқланиш соҳаси $R=(-\infty;\ \infty)$
B) Функциянинг қийматлар соҳаси R
C) Функция жуфт ҳам эмас, тоқ ҳам эмас
D) Функция графиги (0; 1) нуқтадан ўтади
E) Функция аниқланиш соҳасида a>1 да ўсувчи

46. Ўткир бурчак тригонометрик функциясига келтиринг ва ҳисобланг: $\sin1920°$.

A) 0 B) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ C) $\frac{1}{2}$ D) 1 E) $\frac{\sqrt{3}}{2}$

47. Соддалаштиринг: $(\sqrt[3]{a^2})^5$.

A) $\sqrt[15]{a^2}$ B) $\sqrt[15]{a^{10}}$ C) $\sqrt[8]{a^2}$ D) $\sqrt[3]{a^7}$ E) $a^3\cdot\sqrt[3]{a}$

48. Тўғрибурчакли учбурчакнинг периметри 12 см, юзи 6 см² га тенг бўлса, унинг томонларини аниқланг.

A) 2 см; 4 см; 6 см
B) 1 см; 3 см; 8 см
C) 1 см; 4 см; 7 см
D) 2 см; 5 см; 5 см
E) 3 см; 4 см; 5 см

49. Қуйидаги ифодаларнинг қайси бири маънога эга?

A) $\sqrt{\log_2 0,8}$ B) $\sqrt{\log_3\sin35°}$ C) $\sqrt{\log_4\cos107°}$ D) $\sqrt{\log_2 tg40°}$ E) $\log_2(3-2\sqrt{2})$.

50. 0,(13) ни оддий касрга айлантиринг.

A) $\frac{13}{99}$ B) $\frac{13}{90}$ C) $\frac{1}{9}$ D) $\frac{2}{17}$ E) $\frac{130}{999}$

51. $f(x)=3x-2$ ва $g(x)=3^{3x}$ бўлса, $f(g(x))$ ни топинг.

A) $3^{3x}-2$ B) 3^{-3x+1} C) 3^{3x} D) $3^{3x-1}-2$ E) $3^{3x+1}-2$

52. $\sin\alpha=\frac{1}{2}$ $(\frac{\pi}{2}<\alpha<\pi)$ бўлса, cosα нинг қиймати топилсин.

A) 0 B) 1 C) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ E) $-\frac{\sqrt{3}}{2}$

53. $\vec{a}(\lambda^2+\lambda;\ -1)$ ва $\vec{b}(1;\ 6\lambda-6)$ векторлар λ нинг қандай қийматларида перпендикуляр бўлади?

A) $\lambda\in\varnothing$ B) $\lambda=2$ C) $\lambda=4$ D) $\lambda\in\{2;\ 3\}$ E) $\lambda\in R$

54. Қуйидаги тригонометрик формулалардан қайси бири нотўғри ёзилган?

A) $\sin\frac{\alpha}{2}=\sqrt{\frac{1-\cos\alpha}{2}}$, $\pi<\alpha<2\pi$
B) $\cos\frac{\alpha}{2}=\sqrt{\frac{1+\cos\alpha}{2}}$, $\pi<\alpha<2\pi$
C) $tg\frac{\alpha}{2}=-\sqrt{\frac{1-\cos\alpha}{1+\cos\alpha}}$, $\pi<\alpha<2\pi$
D) $\sin\frac{\alpha}{2}=-\sqrt{\frac{1-\cos\alpha}{2}}$, $2\pi<\alpha<3\pi$
E) $\cos\frac{\alpha}{2}=-\sqrt{\frac{1+\cos\alpha}{2}}$, $2\pi<\alpha<3\pi$

55. Периметри 40 см бўлган тўртбурчакка ички чизилган айлананинг радиуси 2,5 см; S см²-тўртбурчакнинг юзаси. Қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири тўғри?

A) S ни аниқлаб бўлмайди.
B) S=50 C) S=25 D) S=75 E) S=100

VI

56. $\sin15°-\cos15°$ ни ҳисобланг.

A) $\frac{1}{2}$ B) $-\frac{1}{2}$ C) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ D) $-\frac{\sqrt{2}}{2}$ E) 0

57. Функциянинг ҳосиласини ҳисобланг: $y=3^x\ln x$.

A) $3^x\ln^2x+\frac{3^x}{x}$
B) $3^x\cdot\ln3\cdot\ln x+x\cdot3^x$
C) $x3^{x-1}\ln x+\frac{3^x}{x}$
D) $3^x\cdot\ln3\cdot\ln x+\frac{3^x}{x}$
E) $\frac{3^{x+1}}{x+1}\ln x+\frac{3^x}{x}$

58. $\left(\frac{1}{5}\right)^{-\frac{2x}{3}}>25$ тенгсизликни қаноатлантирувчи x нинг энг кичик бутун қийматини топинг.

A) 2 B) 3 C) 8 D) 4 E) -2

59. $\cos x=\frac{1}{2}$ тенгламани ечинг.

A) $\{\frac{\pi}{3}+2k\pi\,|\,k\in Z\}$
B) $\{\frac{\pi}{3}-2k\pi\,|\,k\in Z\}$
C) $\{-\frac{\pi}{3}+2k\pi\,|\,k\in Z\}$
D) $\{\pm\frac{\pi}{6}+2k\pi\,|\,k\in Z\}$
E) $\{\pm\frac{\pi}{3}+2k\pi\,|\,k\in Z\}$

60. $g(x)=\frac{3\sqrt{x}}{3-x}$ функция ҳосиласининг x=1 нуқтадаги қиймати нечага тенг?

A) 1 B) 1,5 C) 2 D) 2,5 E) -2,5

61. $f(x)=\frac{1}{9}x^3+\frac{1}{3}x^2+1$ функциянинг графигига ўтказилган уринма x нинг қандай қийматларида ох ўқининг мусбат йўналиши билан 45° ли бурчак ташкил этади?

A) -3 B) 1 C) -3 ва 1 D) -1 ва 1 E) -1

62. $\int_0^{\pi/2}\sin^2\frac{x}{2}dx$ ифоданинг қиймати қуйидагилардан қайси бирига тенг?

A) $\frac{\pi}{4}$ B) $\frac{\pi}{4}+2$ C) $\frac{\pi-2}{4}$ D) $\frac{\pi+2}{2}$ E) $\frac{\pi}{2}$

63. $f(x)=x^{1994}$ функциянинг ўсиш ва камайиш оралиқларини топинг.

A) x нинг ҳамма қийматида камаювчи.
B) $(-\infty;\ 0]$ да ўсади.
C) $[0;\ \infty)$ да камаяди.
D) $(-1;\ 1)$ да ўсади, $(-\infty;\ -1]\cup[1;\ \infty)$ да камаяди.
E) $(-\infty;\ 0]$ да камайиб, $[0;\ \infty)$ да ўсади.

64. $2^{3x}<\sqrt[5]{2}$ тенгсизликни қаноатлантирувчи x нинг энг катта бутун қийматини топинг.

A) 1 B) 0 C) 2 D) 5 E) 3

65. Ҳисобланг: $10^{1+\lg2}$.

A) 10 B) 20 C) 30 D) 40 E) 50

66. В нуқта томонлари $\sqrt{6}$ см бўлган квадратнинг учларидан бир хил масофада жойлашган ва бу нуқта билан квадрат текислиги орасидаги масофа 1 см га тенг. В нуқтадан квадратнинг учларигача бўлган масофани топинг.

A) 2 B) 1 C) $\sqrt{2}$ D) 6 E) 3

VII

67. $\cos^2x-\frac{10}{3}\cos x+1=0$ тенгламанинг $[0;\ 2\pi]$ кесмада нечта илдизи бор?

A) Йўқ B) битта C) иккита D) учта E) тўртта

68. Тенгламани ечинг: $2\sin x\cdot\cos x=\frac{1}{2}$.

A) $x=\frac{\pi}{6}+k\pi$, $k\in Z$
B) $x=\frac{\pi}{12}+k\pi$, $k\in Z$
C) $x=(-1)^k\frac{\pi}{12}+\frac{\pi k}{2}$, $k\in Z$
D) $x=(-1)^k\frac{\pi}{12}$, $k\in Z$
E) $x=(-1)^k\frac{\pi}{12}+2k\pi$, $k\in Z$

69. $y=x^3-\frac{15}{2}x^2+18x-1$ функциянинг камайиш оралиқларини топинг.

A) $(-\infty;\ 2]\cup[3;\ \infty)$ B) $(-\infty;\ 2]$ C) $[3;\ \infty)$ D) $(-\infty;\ \infty)$ E) $[2;\ 3]$

70. Тенгламани ечинг: $2\sin^2x+\sin x-1=0$.

A) $x_1=(-1)^k\frac{\pi}{6}+2k\pi$, $x_2=-\frac{\pi}{2}+2k\pi$, $k\in Z$.
B) $x_1=(-1)^k\frac{\pi}{6}+2k\pi$, $x_2=-\frac{\pi}{2}+k\pi$, $k\in Z$.
C) $x_1=(-1)^k\frac{\pi}{6}+k\pi$, $x_2=-\frac{\pi}{2}+2k\pi$, $k\in Z$.
D) $x_1=(-1)^k\frac{\pi}{6}+2k\pi$, $x_2=-\frac{\pi}{2}+\frac{3\pi}{2}k$, $k\in Z$.
E) $x_1=(-1)^k\frac{\pi}{6}+k\pi$, $x_2=\frac{\pi}{2}-\frac{3\pi k}{2}$, $k\in Z$.

71. $y=\arcsin\sqrt{x}$ функциянинг ўзгариш соҳаси топилсин.

A) $[0;\ \pi]$ B) $[-1;\ 1]$ C) $[0;\ \sqrt{\frac{\pi}{2}}]$ D) $[0;\ \frac{\pi}{2}]$ E) $[-\frac{\pi}{2};\ \frac{\pi}{2}]$

72. $\sin x<\frac{\sqrt{2}}{2}$ тенгсизликни ечинг.

A) $-\frac{\pi}{4}<x<\frac{\pi}{4}+k\pi$, $k\in Z$
B) $-\frac{\pi}{4}+\pi k<x<\frac{\pi}{4}+k\pi$, $k\in Z$
C) $-\frac{5\pi}{4}+2\pi k<x<\frac{5\pi}{4}+2\pi k$, $k\in Z$
D) $-\frac{5\pi}{4}+\frac{\pi k}{2}<x<\frac{\pi}{4}+\pi k$, $k\in Z$
E) $-\frac{5\pi}{4}+2\pi k<x<\frac{\pi}{4}+2\pi k$, $k\in Z$

73. $2x^2-5x+2\geq0$ тенгсизликни ечинг.

A) $[-2;\ -\frac{1}{2}]$ B) $(-2;\ -\frac{1}{2})$ C) $(-\infty;\ -2)$ D) $(-\infty;\ \frac{1}{2}]\cup[2;\ \infty)$ E) $(-\infty;\ -2)\cup(-\frac{1}{2};\ \infty)$

74. $y=2^x$ функциянинг графигига тегишли $M(x;\ \cos\frac{\pi}{3})$ нуқтанинг абсциссасини топинг.

A) 1 B) -1 C) 2 D) $-\frac{1}{2}$ E) $\frac{1}{2}$

75. $f(x)=-\frac{x}{x^2+1}$ бўлса, $f^2(2)$ ни ҳисобланг.

A) $\frac{2}{5}$ B) $\frac{2}{25}$ C) $\frac{4}{25}$ D) $\frac{1}{5}$ E) $\frac{2}{3}$

76. Ҳисобланг: $16^{\log_4 2}$.

A) 2 B) 5 C) 6 D) 4 E) 3

VIII

77. $\log_4\log_3x>1$ тенгсизликни ечинг

A) (4; 81) B) (0; 81) C) (0; ∞) D) (0; 4) E) (81; ∞)

78. Агар $\log_4\log_{\frac{1}{2}}\log_4x=0$ бўлса, x ни топинг.

A) 4 B) 9 C) 2 D) 16 E) Жавоб бу ерда кўрсатилмаган

79. $4^{\log_2 4}+27^{\log_3 4}=?$

A) 80 B) 156 C) 272 D) 256 E) 16

80. Тенгламани ечинг: $\sqrt{81^x}=27$.

A) $\frac{3}{2}$ B) $\frac{2}{3}$ C) $\frac{4}{3}$ D) $\frac{3}{4}$ E) $\frac{1}{3}$

81. Кесик конус асосларининг радиуслари 6 ва 3 м, баландлиги эса 4 м. Кесик конуснинг ясовчиси неча м?

A) 6 B) 5 C) 7 D) 5,5 E) $3\sqrt{3}$

82. Ҳисобланг: $\log_3^{-1}\sqrt[3]{\sqrt[3]{\sqrt[3]{3}}}$.

A) 3 B) 9 C) 27^{-1} D) -27 E) 27

83. $4^x-5\cdot2^{x+1}+16\leq0$ тенгсизликни ечинг.

A) $(0;\ 1)\cup(3;\ \infty)$ B) $(1;\ 3)$ C) $[1;\ 3]$ D) $[0;\ 1]\cup[3;\ \infty)$ E) $[3;\ \infty)$

84. Ясовчиси 6 га, баландлиги эса 3 га тенг бўлган конус ҳажмининг ярмини топинг.

A) 13π B) 27π C) $3\sqrt{3}\pi$ D) $13,5\sqrt{3}\pi$ E) 13,5π

85. $\log_{0,1}x<3$ тенгсизликни ечинг.

A) $(0;\ 0,3)$ B) $(0;\ \infty)$ C) $(0;\ 0,1)$ D) $(0,001;\ \infty)$ E) $(0;\ 0,01)$

86. Агар доира радиуси $\log_{\frac{1}{2}}\sin\frac{\pi}{6}+\lg\sqrt[4]{100}+\sin\frac{\pi}{6}$ бўлса, унинг юзини топинг.

A) π B) 2π C) π^2 D) $2\pi^2$ E) 4π

87. $f(x)=\ln(2x+3)$ функциянинг ҳосиласини топинг.

A) $\frac{1}{2x+3}$ B) $\frac{3}{2x+3}$ C) $-\frac{2}{2x+3}$ D) $-\frac{1}{2x+3}$ E) $\frac{2}{2x+3}$

88. Қуйидаги функциялар орасида қайси бирларининг графиклари Ох ўқининг юқорисида жойлашган ?

$y_1=-x^2$; $y_2=0,01+|x|^3$; $y_3=-|x|$; $y_4=\sqrt{x}+1$.

A) y_1 ва y_3 B) y_1 ва y_4 C) y_2 ва y_4 D) y_3 ва y_2
E) Бу функцияларнинг графиклари фақат Ох ни юқорисида жойлашган

89. $0,1(0,3x+1)=-x+1$ тенгламани ечинг.

A) $\frac{90}{103}$ B) $-\frac{90}{103}$ C) $\frac{103}{90}$ D) $\frac{9}{13}$ E) 1

IX

90. ABC учбурчакда AD медиана AB ва AC томонлар билан мос равишда 60° ҳамда β бурчаклар ҳосил қилади. Агар $AB=\sqrt{3}$ ва AC=3 бўлса, sinβ ни топинг.

A) $\frac{1}{3}$ B) $\frac{1}{2}$ C) $\frac{2}{3}$ D) $\frac{1}{4}$ E) $\frac{3}{4}$

91. Тўрт бурчакли мунтазам призма асосининг томони $\sqrt{2}$ га тенг. Призманинг диагонали асос текислиги билан 45° ли бурчак ҳосил қилади. Призма ҳажмини топинг.

A) $\frac{4}{3}$ B) $2\sqrt{2}$ C) 8 D) 16 E) 4

92. $\log_4a=\log_8b$ экани маълум бўлса, $\log_ab$ ни топинг.

A) $\frac{3}{2}$ B) $\frac{2}{3}$ C) $-\frac{3}{2}$ D) $-\frac{2}{3}$ E) 2

93. $1<10^{x+1}<1000$ тенгсизлик ечилсин.

A) (0; 2) B) (2; 4) C) (1; 2] D) [-1; 1] E) (-1; 2)

94. Берилган A(1; 1) ва B(-1; 1) нуқталардан қайси тўғри чизиқ ўтади?

A) $x+y-2=0$ B) $x+y=0$ C) $y=1$ D) $x+2y-3=0$ E) $x+3y-2=0$

95. Ҳисобланг: $\sin\frac{\pi}{4}\cdot tg(-\pi)\cdot(\log_2 2-1)\arcsin1$.

A) $\frac{\sqrt{2}}{4}\pi$ B) $\frac{\sqrt{2}}{2}\pi$ C) $-\frac{\sqrt{2}}{4}$ D) $\frac{\pi}{4}$ E) 0

96. Конус асосининг радиуси 3. Конуснинг ясовчиси ва баландлиги орасидаги бурчакнинг қандай қийматида конуснинг ҳажми π га тенг бўлади?

A) 30° B) 60° C) 45° D) arctg9 E) arctg3

(Давоми бор)

(Тест саволларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).

ВАТАН САЖДАГОҲИМДИР

Шоир Тўра Жуман фахрий педагог, 51 йил муаллимлик қилган. Уруш ногирони. 18 та жанговар орден ва медаллар соҳиби. Шеърлари республика матбуотида кўплаб эълон қилинган.

Тўра ЖУМАН

УРУШНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ

I

Икки йил ўқидим Қарши шаҳрида,
Педтехникум экан илмлар кони.
Қизиқиш уйғонди фаннинг барига,
Адабиёт бўлди гўёки жоним.

Билдим Навоийнинг достонларини,
Ойбек, Ғафур Ғулом ўтилди дарсда.
Юртимнинг саҳро ва бўстонларини
Ўргандим астойдил китобдан, баҳсдан.

Ҳамид Олимжон ва Уйғун ўтилди,
«Зайнаб ва Омон»ни ёдладим севиб.
Ўзим ҳам шеър ёзиш йўлларин билдим,
Сайр қилдим назм либосин кийиб.

II

Каникул бошланди, келдим уйимга,
Оқтўнли қишлоғи шодликдан йироқ.
Эътибор йўқ асло овқат, кийимга,
Шум хабардан қалбда алам ва фироқ.

Йигитлар фронтга жўнатилмоқда,
Хотин-қизга қолди қийин ишлар ҳам.
Қора хат келганин қўшни қишлоққа
Айтиб берди меҳмон бўлганда холам.

Ҳарбий хизмат тугаб июль ойида,
Келиш керак Қувват — аммамнинг ўғли.
Келса қўй сўяман дея пойига,
Оғилда бўрдоқи кўпдан боқувли.

Аммо у келмади фурсат етганда,
Август ойида ҳам ундан йўқ дарак,
Аммамнинг ғамлари бўлмади канда,
Қомати букилди, эзилди юрак.

III

Август охирида ярадор бўлиб,
Қишлоққа биринчи қайтди Маҳматқул.
Эр, аёл, болалар кўришди келиб,
Барча гап-сўз уруш ҳақида буткул.

Норқул бобо сўйди битта семиз қўй,
Колхоз зиғир ёғи, гуруч, ун берди.
Кичкина Оқтўнли қилди катта тўй,
Хизмат қилмоқ учун ҳамма югурди.

Осколка зарбидан яраси оғриб,
Йўлда юролмасдан қолса-да, уни
Одамлар эҳтиёт бўлиб кўтариб,
Навбат билан меҳмон қилар ҳар куни.

Гурунг, давраларда Маҳматқул оти
Асло эсланмасди аввал ҳеч қачон.
Жангга бориб ошди унинг ҳурмати,
Энди уй тўрида энг азиз меҳмон.

IV

Сентябрь ойида ўқиш бошланди,
Талабалар сийрак педтехникумда.
Баъзи дўстлар йўқ учун кўнглим ғашланди,
Ёмон туш кўраман гоҳо уйқумда.

Жамол, Коля, Турсун, Умид ва Ҳамдам,
Октябрь ойида фронтга кетди.
Илмий мудиримиз Ниёзовни ҳам
Армияга олди, дарсни тарк этди.

Қаршининг бозори ҳамда кўчада
Хушчақ-чақ кишилар асло учрамас.
Йиғи эшитилар кундуз-кечада,
Ҳеч ким бир-бирига кулиб қарамас.

V

Ғоят ачинаман қизларга қараб,
Кунлар ўтган сайин ранглари сўлғин.
Бордим Адолатнинг аҳволин сўраб,
У деди: «Расмга тушайлик бугун».

Пулим бўлмаса-да кўндим гапига,
Расмхонага мен олдинроқ бордим.
Фотограф унади илтимосимга,
«Пулини олдим денг» — дея ёлвордим.

Орзу-ниятларни пуч қилди уруш,
Юксалиш тўхтади Ватанимизда.
Хонавайрон бўлди қанча гул турмуш,
Босқинчига ғазаб кўпайди бизда.

VI

Кундуз ҳам, тунда ҳам ҳамма томондан
Эшитилиб турар нола-ю фарёд.
Озғин кўп, фарқ қилмас ранглар сомондан,
Нега бир-бирига душман одамзод.

Не учун Гитлернинг нияти қора?
Нега туғилади шундай ваҳшийлар?
Унинг қилмишидан кўнгиллар яра,
Нега дунёда оз доно, яхшилар?

Урушнинг биринчи йили шунчалар
Мусибат ёғилди азиз бошларга.
Очилмасдан сўлди қанча ғунчалар,
Заҳар аралашди пишган ошларга.

Энг сўнгги курсдаги ўғиллар, қизлар,
Дарсларни тингладик кўнгил бўлмай шод.
Оғир шароитда ўқидик бизлар,
Ҳамроҳ бўлди доим чидам ва сабот.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ УРУШ ЙИЛЛАРИДА

Педагогларимизнинг оғир уруш йиллардаги жасоратлари, таълим-тарбия борасидаги фидойиликлари эҳтиром ва таҳсинга сазовордир. Бутун мамлакат урушга сафарбар қилинганлигига қарамасдан юртимизда таълим-тарбия ишлари сусайтирилмади, аксинча, ҳар қачонгидан кучайтирилди.

Ўзбекистонда 1940-41 ўқув йилида 4786 та умумий таълим масканги бўлиб, шундан 475 таси ўрта мактаб эди. Уларда таълим-тарбия ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва уйғур тилларида олиб борилган.

1940 йил 30 августда Ўзбекистонда Ўқитувчилар куни кенг нишонланди. Бу тантана муносабати билан республика ўқитувчилари ва мaориф ходимларидан 191 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлишди.

1944—45 ўқув йилидан ўрта мактабни тугатувчилар «Етуклик аттестати» учун имтиҳондан ўтадиган бўлдилар, ўрта мактабни аъло баҳо ва намунавий хулқи билан тугатган ўқувчиларга «Олтин» ва «Кумуш» нишонлари бериш жорий қилинди.

Ўқув режаларига уруш бошлангандан кейин айрим ўзгаришлар киритилган, чунончи, ўрта мактабларнинг юқори синфларида ҳарбий таълим соатлари миқдори кўпайтирилган. Мактабларда ҳарбий таълим хоналари ташкил қилиниб, жиҳозланган.

1940 йилнинг 1 сентябридан янги ёзувга кўчиш тўғрисида буйруқ чиқди.

Халқ маорифи комиссарлигида ўқитувчиларга янги алифбони ўргатиш бўйича марказий ва туман курсларини уюштириш юзасидан 1940-41 йил учун режа ҳозирланди. Янги алифбога икки йил давомида тўлиқ ўтиш қарорлаштирилди, бу ишни тезкорлик билан бажаришга киришилди.

Урушда кўп қурбонлар бериш билан ғалаба қозондик. Халқ ибораси билан ифодаласак, «ажали етмаганлар», «ризқи узилмаганлар». ногирон ёки тўрт мучаси саломат ҳолда қайтиб келишди. Жангчи-маорифчиларнинг кўпчилиги урушдан кейин ҳам ўз касб-корларини тарк этмай, ўқитувчилик қилдилар, айримлари ҳозир ҳам синф доскаси ёнидалар.

Уруш йилларининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлиги (1946 йил 5 мартдан Ўзбекистон Маориф министрлиги) ҳамда унинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари, Комиссарлик ҳузуридаги ҳозирги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти фидойилик билан ишлаганлар.

1—7-синфларнинг бир қатор дарсликлари янгидан ёзилди ва нашр қилинди. Бу дарсликларда жангчилар ва партизанларнинг кўрсатган жанговар жасоратларини ифодаловчи назмий ва насрий бадиий асарлар кенг ўрин олди. Чунончи, Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан!», Мақсуд Шайхзоданинг «Капитан Гастелло», Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» асарлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Қўчқор Турдиев, Аҳмаджон Шукуров, Тўйчи Эрйигитов ҳақидаги матнларни ёшлар катта қизиқиш билан ўқидилар, бундай асарлар душманга нисбатан қаҳр-ғазаб ҳисларини кучайтиришга ёрдам берганди.

Ўзбекистонда 1941-42 йилдан ўрта мактабни битирган ўқувчиларнинг сони урушгача бўлган даврга нисбатан камая бошлаган. Бу ҳолнинг олдини олиш мақсадида 1943-44 ўқув йилидан ўрта маълумот берадиган мактабларнинг 11 йиллик янги турини ташкил қилишга киришилди.

Уруш биз учун абадий сабоқ. Педагогларимизнинг фидойиликлари эса ибрат намунасидир. Истиқлол шарофати, юртбошимизнинг тинчликпарвар сиёсати туфайли осуда меҳнат қилиш, чуқур билим олиш имкониятига эгамиз. Бу ҳуқуқларимиз Ўзбекистон Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда кафолатланган.

Юртбошимизнинг «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармони (1994 йил 16 март)га кўра, ҳозирги даврда ўзбекистонлик собиқ жангчиларнинг жасорати ва халқнинг мамлакат ичкарисидаги қаҳрамонона, фидокорона меҳнатини қадрлаб, мамлакат ёшларини Ватанга муҳаббат ва миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ватан — азиз ва ардоқли гўша! Зеро, юрт бағрида улғайиб, камол топаётганлар ҳар доим ва ҳар қачон унинг тупроғини, сувини, ҳавосини ардоқлаб юрсинлар! Зиёкор эса бу қутлуғ ишнинг бошловчиси ҳам, давомчиси ҳам бўлмоғи керак.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

НАЗАРМАТ

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

«Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп қилинган «Яхшиларни эл унутмайди» деган митти хабар фикр-хаёлимни ўзига жалб этди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг мураббийси, машҳур тилшунос олим, профессор Ҳамдам Бердиёровнинг 75 йиллик таваллудига бағишланган экан. Мен уни билардим, хотира кунида Самарқандга боргандим. Биз беш йил бир факультетда, бир курсда ёнма-ён ўтириб таҳсил олган дўстлар эдик.

У ҳақиқатан ҳам улкан маърифий билим соҳиби эди, лекин ниҳоятда камтарин, заҳматкаш, дилкаш, хушсуҳбат, каттаю-кичикка бирдай меҳру-оқибатли, зийрак, донолиги билан ажралиб турарди. Унинг улуғ айёми — 75 йиллиги хотира кунида рўзнома кичик бир хабар бериши ҳам камтарона эди. У ҳаёт бўлганида ҳам ўзи тўғрисида мақтовномалар берилишини истамасди. Лекин хабарнинг бир томони мени ўйлантириб қўйди. Унда Ҳамдам Бердиёров Иккинчи жаҳон урушининг фаол қатнашчиси, «Қизил Юлдуз» ордени соҳиби эканлиги ҳақида айтилмаган эди. У она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчини бажаришда ўз тенгдошларига намуна бўлган, келажак авлодларга ўз эътиқоди, ихлосини баён этиб қолдирган ҳақиқий ватанпарвар эди.

Биз — дорилфунуннинг битирувчи талабалари, охирги давлат имтиҳонларини уруш бошланган вақтда, яъни 28 июнда топшириб, қўлимизга «Филолог» деган диплом текканида шаҳар ҳарбий комиссариатидан армия сафига чақирув қоғозини олдик. Июль ойининг биринчи ҳафтаси эди. Бердиёров чақирув қоғозини кўрсатиб: «Мен йўлга тайёрланаяпман», — деди. Ишонмадик. «Ҳали вақт бор-ку, бирга кетамиз», — дедик. У «ўқинглар» деб, қоғозни узатди. «Мен ҳарбий комиссариатдан келяпман. Эртага бурчни бажаришга жўнайман. Орқада қолманглар. Бир жойда, бир майдонда ёвга қарши курашсак, зўр бўларди», — деди жилмайиб, сўнг юзи жиддийлашиб: «Уруш ўқишни битиришимизни кутиб турган экан. Дипломни олдик, у уйда қолади. Қўлга эса милтиқ олиб, энди она-Ватанни ҳимоя қилишга борамиз», — деди.

Озғин, қотма, нозик бу курсдошимиз болалиги етимхоналарда ўтганлиги, ота-онадан жуда ёш ажралиб, оғир, машаққатли ҳаёт йўллари унинг жисмоний соғлигига таъсир ўтказиб келганлигини билардик. Шу боисдан уни армияга чақирмасалар керак, деб ўйлардик. Аммо у китоб, дафтару буюмларини йиғиштирар экан: «Эл бошига иш тушганда эл фарзанди ўзини четта олмайди. Бу қадимий одат», — деди. Уни кузатиб қўйдик. У Харьков ҳарбий академиясининг қисқа муддатли курсида тайёргарлик кўришга чақирилибди. Мен 1942 йил мартида Харьковдан Тошкентга кўчиб келган кимёвий ҳимоя ҳарбий мактабига курсант бўлиб қабул қилиндим. Ҳамдам фронтнинг қайси томонида хизмат қилаётганлигини билгим келиб, дўстларга хат ёздим ва ниҳоят, унинг адресини топиб, мактуб жўнатдим. Лекин жавоб хат тезда келавермади.

Ниҳоят, 1942 йил сентябрь ойида ундан хат олдим. Бу вақтда мен қисқа муддатда ҳарбий мактабни тугатиб, фронтга жўнашга тайёргарлик кўраётгандим. Хат кечикиб Бокудан келди. Ҳамдам Бердиёров гугурт қутиси ҳажмидай митти фото сурати билан дафтар варағига ёзилган хатини менга жўнатибди. У суратда ўша-ўша озғин кўринишда, индендант-лейтенант погонли ҳарбий кийимда эди. Суратнинг орқасига бундай ёзибди: «Хотира учун! Ҳурматли шоир дўстим Назарга! Ҳамдамдан. Боку, 9 август, 1942 йил». Хатини ўқишга шошилдим. Чунки фашистлар Украинани босиб олиб, Волга бўйларига, Кавказ тоғларига интилаётган эди.

Дўстим Ҳамдамнинг хати қисқа ва ҳарбийча жиддий ифодали эди: «Ҳарбий мактабга олиндим-у, унда ўқиш эса қисқа бўлди. Урушнинг бошидан шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар техникаларини ёнилғи билан таъминлаш хизматини бажариб юрибман. Гитлерчи босқинчилар Бокуга, унинг нефтига интилди. Лекин қора марваридларимизнинг бир томчи донасини ҳам уларга бермадик. Ёвуз очкўзларни Кавказ тоғларидан улоқтириб ташладик. Боку нефтини фашист босқинчиларни батамом тор-мор келтираётган шиддатли жанглар олиб бораётган моторлаштирилган қўшинларимизга етказиб бермоқдамиз».

Хатни олиб, мен «Совинформбюро» эълон қилган маълумотларни кўздан кечирдим. 1942 йил август-сентябрь ойларида Сталинград райони, Кавказ тоғлари ва Қора денгиз бўйларида оғир жанглар бораётганлиги хабар қилинган эди.

Урушнинг охирида уни қўмондонлик Узоқ Шарққа — япон империалистларига қарши ҳаракатда бўлган қўшинларимизни ёнилғи билан таъминлаш хизматини ўташга юборади. Кўп вақт ўтмай тайинланган жойга етиб боради, зиммасидаги жанговар бурчини намунали ўташга киришади.

Узоқ Шарқдаги ҳарбий хизмат узоққа чўзилмади. У ердан Бердиёров уйига қайтади. У энди ўқишни давом эттириш ниятида эди, тилшунос бўлишни, тўқсон тўққиз шева, лаҳжали буюк ўзбек халқининг катта сўз бойликларини, уруғ, элатлар орасида пайдо бўлган фразеологик бирикмаларни тўплашни, тилларнинг ички тараққиёт қонунлари ва келиб чиқиш соҳасидаги илмий изланишлар йўлида хизмат этишни эзгу эътиқоди деб биларди ва бу соҳада кенг кўламли илмий-педагогик ишларини олиб бориб, профессор даражасига етди. «Интилганга толе ёр», — дейди халқимиз. Ҳамдам Бердиёров умр бўйи илмга интилиб келди ва бу йўлда она диёримизнинг йирик тилшунос олими бўлди.

У умрининг охиригача ўзи таҳсил олган қадрдон дорилфунунда мураббийлик қилди. Ҳамма уни катта ҳурмат билан «домулло» дерди. Муаллимчилик билан бирга баракали илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб борди, кўп иқтидорли шогирдлар етиштирди. У катта оиланинг отахони эди, ўғиллари, қизларининг барчаси олий маълумотли бўлиб, улар улкан эл ишларида фаол қатнашиб келадилар, отадай намунали эл фарзанди бўлишга интиладилар. Муҳтарам рафиқаси Барчиной кўп йиллар дорилфунунда илмий ходим бўлиб ишлади, ҳозир нафақада, жамоат ишларида қатнашиб келади. Дўстим туғилган қишлоғидаги мактабга унинг номи берилган. У ерда домланинг хотирасига бағишланган суҳбатлар, учрашувлар бўлиб туради.

Ундан эзгу хотира қолди.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан узоқ йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Уни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очар экан, жумладан, шундай деди:

— 1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган ғалаба Ватанимиз тарихида абадий машъал бўлиб қолади. У миллионлаб халқимизнинг сўнмас жасорати, қаҳрамонлиги эвазига қўлга киритилди. Бугун биз Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаётибмиз. Урушда фашистларга қарши қўлига қурол олиб курашганларнинг, ҳувиллаб қолган қишлоқларимизда шундай қийин шароитларда ҳам халқимизнинг келгуси авлодини саводли қилиш учун жон куйдирганлар аксарияти бизнинг муаллимларимиз эди.

Уруш қатнашчиларини муносиб рағбатлантириш, ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш бугунги авлод бурчидир. Зотан, инсон умри абадий эмас. Ватан учун қон кечиб, душман билан олишганлар сафи кун сайин камайиб бормоқда. Шу боис Сиз уруш фахрийларининг ҳар бир сўзларингиз, ҳар бир ўгитларингиз биз учун ҳамиша муқаддасдир.

Учрашувда узоқ йиллар Халқ таълими вазирлигида ҳарбий таълим бошқармаси бошлиғи бўлиб меҳнат қилган генерал-лейтенант Г. Стрелцов ҳам сўзга чиқиб, Ватан урушида халқимиз кўрсатган жасорат, унда турли миллат вакилларининг бирдамлиги, оғир кунларда мўътабар ва азиз Ўзбекистон минг-минглаб ўзга миллат вакилларини бағрига олганлиги, нон-туз берганлиги тўғрисида гапирди.

Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқувчиларни ҳарбий мутахассисликка йўналтирувчи ҳарбий лицей курсантлари ижро этишган Ватан ҳақидаги куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди.

Учрашув сўнггида бир гуруҳ уруш фахрийларига, кексалик гаштини сураётган жангчи-муаллимларга эсдалик совғалари топширилди.

***

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган уруш қатнашчиларининг Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган байрам учрашуви бўлиб ўтди.

Фахрийларни буюк сана муносабати билан олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов қутлаб, уларга қимматбаҳо совғалар, пул мукофотларини топширди.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида фахрийлар шарафига дастурхон ёзилиб, зиёфат берилди ҳамда номаълум солдат қабри пойига гулчамбар қўйилди.

Мухбирларимиз.

ТАЪЗИМ

Шайхонтоҳур туманидаги Қўчқор Турдиев номидаги 59-ўрта мактабда Ғалабанинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди.

Учрашувда туман ҳокими Адҳам Миржалилов йиғилганларни яқинлашаётган байрам билан табриклаб, фахрийларга «1941-45 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» медалини топширди.

Байрам тантанасида уруш фахрияси, республикада хизмат кўрсатган артист Зебо Ғаниева раҳбарлигидаги ансамбл ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Олимжон Орифжонов ва Клара Жалиловалар дилрабо қўшиқлари, шўх рақслари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Д. ХЎЖАЕВА.

«Ғалаба» топқирлик машқи

Азиз Муштарий! Қуйида таърифланган номларни топиб, шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Фашизмга қарши уруш қатнашчиси «Юракдаги ўқ» достони, «Сайёд жасорати» қиссаси муаллифи, ўзбек шоири, журналист. 2. Таниқли ўзбек саркардаси, генерал, қаҳрамон. 3. Урушда Нарва дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати учун қаҳрамонликка сазовор бўлган қўшработлик оддий аскар. 4. Фашизмга қарши урушда отлиқ аскарлар штабининг бошлиғи бўлган андижонлик саркарда. 5. Уруш қатнашчиси, таниқли ўзбек адабиётшунос олими. 6. Ўзбек генерал-майори. 7. Фашистларга қақшатқич зарба бериб, қаҳрамонлик унвонига ўзбек жангчиларидан биринчи бўлиб эришган зобит. 8- Мардлик — мангулик», «Садағанг кетай командир» асарлари муаллифи, ўзбек ҳикоянавис адибаси. 9. Урушда разведкачилик фаолиятини олиб бориб қаҳрамонликка сазовор бўлган андижонлик гвардиячи оддий аскар. 10. Найзабозлик жангида фашистларни яксон этиб қаҳрамон бўлган қашқадарёлик жангчи. 11. Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати учун қаҳрамон бўлган ўзбек жангчиларидан бири. 12. Йигирма саккиз фашистни ер тишлатган ўзбек жангчи мерган аёли. 13. Ҳаво лайнерларини яратган таниқли авиаконструктор. 14. Ҳарбий арбоб, ўзбек генерал-майори. 15. Батальон командири сифатида мардона жанг қилиб қаҳрамон бўлган гвардиячи майор. 16. Қўқонлик қаҳрамон жангчи, «Шуҳрат» ордени нишондори. 17. Тошкентлик қаҳрамон жангчилардан бири, кичик сержант. 18. Ғалабага эришишда муҳим ўрин эгаллаган таниқли ҳарбий арбоб, маршал. 19. Кўрсатган мардликларини ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «Олтин юлдуз» қиссасида ифодалаган қаҳрамон жангчи. 20. Уруш қатнашчиси «Шинелли йиллар» романи муаллифи бўлган адиб.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

МАКТАБ ВА ФАН ФИДОЙИСИ

Таҳририятимизга турли ёшдаги кишилар келишади. Уларнинг муомала маданиятлари, илму одоблари ҳам ўзларига яраша. Ана шундай серқатнов муаллифларимиздан бири — Қумри Абдуллаева. Қумрихон опани ўттиз йилдан буён яхши биламан. Илк бор таҳририятимизда учрашганимдаёқ ўттиз ёшли педагогнинг хушмуомалалиги, ўзбекона одоб маданияти, камтарлиги, зукколигига гувоҳ бўлгандим. Ўша йилларда фан номзодлиги ишини ёқлаш арафасида мақола, қўлланмаларини нашр эттириш зарурати туфайли елиб-югурди, ниҳоят, 1966 йилда «Биринчи синфда нутқ ўстириш» мавзусидаги илмий ишини ҳимоя қилди.

Қумри Абдуллаева педагогик фаолиятини 16 ёшида ўзи ўқиган Зангиота туманидаги 11-мактабда бошлади. Болалар билан ишлашга иштиёқли ёш муаллима устозлари — биринчи синфда ўқитган Сирожддин Нуриддинов, мактаб директори Назира Жалилова, опаси — бошланғич синф ўқитувчиси Нуринисо Абдуллаевалар қанотида меҳнат қилди. Ишлаб туриб сиртдан ўқишга кирди ва 1956 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан битирди.

1961 йилнинг 27 апрелида «Ўқитувчилар газетаси»да унинг «Менинг иш тажрибам» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Шу даврдан бошлаб у ўз иш тажрибаси юзасидан педагогик ўқишларда қатнашиб, катта муваффақиятларга эришди.

Йиллар ва йўллар. Қумри Абдуллаева учун номзодлик диссертацияси ёқлаганидан кейинги давр ижодий камолот сари юксалиш даври бўлди. У республикамизда нашр этилаётган деярли барча газета ва журналларда, Москвадаги педагогик вақтли матбуотда ўз мақолалари билан қатнашиб келади.

Иқтидорли олима 1956 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф этилганидаёқ илк методик қўлланмаси — «Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқиш» рисоласини ёзиб тугатган эди.

Шундан кейин у таниқли методист Ҳ.Убайдуллаев билан ҳамкорликда 4-синфлар учун «Ўқиш китоби»ни тузди. 1966 йилда «Нутқ ўстириш» методик қўлланмаси чоп этилди.

Қумри Абдуллаевани «Алифбе» дарслиги муаллифларидан бири сифатида танийמиз. У бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

—1968 йил мен учун унутилмас йиллардан биридир. Бошланғич таълим тизимини қайта қуриш муносабати билан ўқув дастурлари ва дарсликларни ўзгартириш зарур бўлди. Ўша даврда институтимиз директори, раҳматли Эминжон Қодиров «Алифбе» дарслигини замон руҳи асосида қайтадан тузиш лозимлигини, бу ишга бир неча олимларни жалб этиш зарурлигини айтдилар. Устоз Оқилхон Шарофиддинов «бу масъулиятли ишни Қумрихон билан бирга амалга оширамиз» дедилар. Аввалига бу таклифдан, устознинг менга бўлган ишончидан севиниб кетдим. Лекин бу масъулиятли ишни бажариш осон эмаслигидан анча чўчидим ҳам. Хуллас, кўп изланиш, кўп йиллик тажрибага таяниш натижасида устоз билан ҳамкорликда 1969 йилда «Алифбе»нинг янги нусхасини тайёрладик. Дарслик Ғафур Ғулом номидаги дарсликлар кўрик-танловида совринли ўринни эгаллади.

Қумри Абдуллаеванинг бутун фикр-ўйи болаларни мактабга тайёрлаш, уларни саводхон, билимдон қилиб тарбиялашга қаратилди. Унинг 1970 йилда нашр этилган «Юлдузча», 1975 йилда чиқарилган «Совға» қўлланмалари, бир гуруҳ шогирдлари билан яратган «Савод ўргатиш дарслари», М.Иброҳимов ва бошқалар билан 2-синф учун тузилган «Ўқиш китоби» сингари дарслик ва методик қўлланмалар фидойи олиманинг тиниб-тинчимас изланувчанлигини яққол ифодалайди.

Кенг жамоатчилик Қумри Абдуллаеванинг кўп йиллар Ўзбекистон телевидениеси орқали ота-оналар университети кўрсатувларини олиб борганлигини ҳам яхши эслайди. Ўша йилларда республиканинг турли вилоятларида бўлиб, оилаларда шарқона тарбия бериш тажрибаларини ўрганган ва бу усулни оммалаштиришга ҳаракат қилганди. Ўзининг «Фарзандим — дилбандим» рисоласи ана шу хайрли иш туфайли юзага келганлигини мамуният билан эслаб, шу кунларда китобни янги мақолалар билан тўлдириб, нашрга тайёрлаётганини айтди.

Мактаб таълимини такомиллаштириш тинимсиз меҳнат, изланиш ва ижодкорликни талаб этади. Унинг хизмат сафари билан собиқ Югославиянинг 20 дан ортиқ шаҳарида бўлганлиги, шунингдек, Франция, Германия, Дания, Эрон, Покистон мамлакатлари мактаб ва маориф тизими билан танишиши кейинги фаолиятида анча асқотди. Жумладан, ўзи раҳбарлик қилаётган бошланғич таълим методикаси бўлими жамоаси билан 1992 йилда яратилган «Бошланғич мактаб йўриқномаси» ўқитувчилар ва халқ таълими жамоатчилигига маъқул бўлди.

Қумри опа билан узоқ суҳбатлашдик. У ўзининг режа ва ниятлари рўёбга чиқаётганидан, «Шодлик мактаби» мазмун ва мундарижаси истиқболига кишиларда ишонч ҳосил қила олганлигидан, айниқса, янги миллий «Алифбе» нашр этилганидан хурсандлигини яширолмади.

Фан заҳматкаши Қумри опа бундан уч йил бурун кўп йиллик педагогика изланишлари самараси уларoқ «Бошланғич синф ўқувчиларини ўқишга ўргатишнинг назарий ва амалий асослари» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Қутлуғ 60 ёшини жўшқин меҳнат билан қаршилаётган олима педагогика фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Қумри Абдуллаева ўз ҳастидан, икки қиз, бир ўғилнинг онаси, қўшақўша невараларнинг бувиси эканлигидан мамнун. Умр йўлдоши Нусратбек ака ҳам олим. Уларнинг аҳил оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди.

Қумри опа ўзининг муборак ёшини куч-ғайратга тўла, янги орзу-режалари амалга ошаётган бир даврда [illegible]да қўша-қўша шогирдлари, устозлари даврасида нишонламоқда. Мактаб ва педагогика фани фидойисига узоқ умр, бахт-омад тилаб қоламиз.

Ғафур МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Суратда: Қумри Абдуллаева Тошкентдаги 216-мактаб ўқитувчилари (чапдан) М.Ғозихўжаева, С.Адамбекова, ТДПИ доценти М. Юсупова ва Г. Адамбековалар билан суҳбатлашмоқда.

Суратчи: Р. АЛЬБЕКОВ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» газетаси, «Бошланғич таълим» журнали жамоалари журналнинг бош муҳаррири Зуҳра Шокировага волидаи муҳтарамаси

Анзират ТОПИЛОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0210. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6